Haqsevar ona yurt, mangu bo`l obod!

TOSHKENT HAQIQATI

viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

2026-yil
16-sentyabr
CHORSHANBA
№ 76
(13937)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 | Haqiqat online | haqiqatonline_

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР МАНЗИЛИ

▼ Ҳамкорлик

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигидаги делегация айни пайтда Хитой Халқ Республикасида амалий ташриф билан бўлиб турибди. Ташриф доирасида йирик давлат корпорациялари, халқаро компаниялар, соҳавий уюшмалар ва ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашувлар ўтказилиб, саноат, инвестиция, қурилиш материаллари, логистика, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида янги лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинмоқда.



Бугунги глобал иқтисодий жараёнлар ҳудудлар олдига янги вазифаларни қўймоқда. Хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ўзи кифоя эмас. Муҳими, сармоя замонавий технология, янги иш ўринлари, рақобатбардош маҳсулот, экспорт салоҳияти ва маҳаллийлаштириш даражасининг ошишига хизмат қилиши керак. Шу нуқтаи назардан, Хитой билан музокараларда Тошкент вилоятининг мавжуд имкониятларини илғор технологиялар, капитал ва тажриба билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Пекинда делегация аъзолари қурилиш материаллари ва саноат инжинирингги соҳасида фаолият юритувчи йирик халқаро компания – Sinoma International Engineering Co., Ltd. вакиллари билан учрашди. Мулоқот чоғида вилоятда замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш, мавжуд корхоналарни технологик модернизация қилиш ҳамда илғор ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш масалалари кўриб чиқилди.

(Давоми 2-саҳифада)

▼ Мулоқот

Тошкент вилояти Иқтисодиёт ва молия бош бошқармасида Буюк Британиянинг АРУП халқаро лойиҳа-консалтинг компанияси вакиллари билан учрашув ўтказилди.

ШАҲАРСОЗЛИК РЕЖАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорига мувофиқ, Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Ўрта шаҳарларни комплекс ривожлантириш” лойиҳаси доирасида Тошкент вилоятининг ҳудудий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

Хусусан, вилоятнинг узоқ муддатли ривожланиш истиқболлари, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти, аҳоли жойлашуви ва урбанизация жараёнлари, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, транспорт ва муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш, экологик барқарорлик ҳамда йирик инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш имкониятлари атрофлича кўриб чиқилди.

2

АНГРЕНДА ЯНГИ ЗАВОД ҚУРИЛАДИ

2

Viloyat bo‘ylab

Toshkent viloyati sudi binosida Bosh vazir o‘rinbosari – Oila va xotin-qizlar qo‘mitasi raisi D.Kattaxonova hamda viloyat mas’ullari ishtirokida “Xotin-qizlarning huquq va manfaatlarini himoya qilish” mavzusida fuqarolar bilan ochiq muloqot o‘tkazildi. Unda fuqarolarning muammo va takliflari tinglanib, ko‘tarilgan masalalarni hal etish yuzasidan tegishli tashkilotlarga vazifalar yo‘naltirildi.

YANGIYO‘L tumanida kambag‘allikni qisqartirish, aholi daromadlarini oshirish va ishsiz fuqarolar bandligini ta’minlash borasidagi ishlar o‘rganildi. Mas’ullarga har bir xonadon bilan individual ishlash, kambag‘allikdan chiqish choralarini belgilash, bandlik va daromad manbalarini oshirishga qaratilgan loyihalarni manzilli tashkil etish bo‘yicha topshiriqlar berildi.

“Nuroniy” jamg‘armasi Toshkent viloyati bo‘limi boshlig‘i A.Nosirov BO‘KA tumanidagi “Achamayli” mahallasida bo‘lib, nuroniylarning jamiyatdagi faolligini oshirish, oilalar bilan ishlash hamda aholi o‘rtasida o‘zaro mehr-oqibat va hamjihatlikni mustahkamlash borasida suhbatlashdi. Tegishli tashkilotlar bilan hamkorlikda hal etilishi lozim bo‘lgan masalalar belgilab olindi. Shuningdek, ijtimoiy ko‘makka muhtoj oilalar tegishli mutasaddi tashkilotlarga yo‘naltirildi.

OLMALIQ shahar hokimi Barhayot Meliyev va Xitoy Xalq Respublikasining “Haocheng Industry Group” kompaniyasi o‘rtasida o‘tkazilgan muzokaralar muvaffaqiyatli yakunlandi. Uchrashuv natijasiga ko‘ra, shaharning “Kamalak” mahallasi hududida zamonaviy “Ekopark” sayohat bog‘ini barpo etish uchun qariyb 15 million dollar miqdoridagi to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy sarmoya jalb etiladigan bo‘ldi.

ҲАР ТОМЧИСИ ҚАДРЛИ

▼ Жараён

«Сув келса, деҳқоннинг кўнгли тўқ», дейди халқимиз. Чунки деҳқоннинг умиди ҳам, ризқи ҳам ер билан боғлиқ. Ер эса сувсиз ҳосил бермайди. Шунинг учун бугун сувнинг ҳар томчисини қадрлаш, ундан оқилона фойдаланиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Вилоятимиз далаларида ҳам бугун сувдан фойдаланиш маданияти ўзгарган. Илгари сувни ариқдан далага чиқаришнинг ўзи етарлидек туюлган бўлса, энди фермер сувни қаерга, қачон ва қанча беришни олдиндан ҳисоб-китоб қилади.





Эндиликда томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш, эгилувчан қувурлар, дискрет суғориш, эгатга плёнка тўшаш, ерларни лазерли текислаш каби технологиялар жорий этилмоқда. Бугун вилоятда 49 минг 944 гектар майдонда ана шундай сув тежовчи технологиялардан фойдаланилмоқда. Шундан 10 минг 817 гектарда томчилатиб, 3 минг 370 гектарда ёмғирлатиб, 1 минг 170 гектарда дискрет суғориш технологияси жорий этилган. 9 минг 320 гектар майдонда эгилувчан қувурлардан фойдаланилмоқда, 7 минг 362 гектарда эгатга плёнка тўшалган. 17 минг 955 гектар ер лазерли усулда текисланган. Рақамлар катта. Аммо бу рақамлар ортида фермернинг меҳнати, ташвиши ва ҳисоб-китоби бор.

2

ИККИ ХАЛҚНИ БОҒЛАГАН КАЛАМ



Устоз журналист, атоқли адиб ва публицист Аҳмаджон Мелибоев Қирғизистоннинг «Достук» ордени билан тақдирланди.

Ўзбек ва қирғиз халқларини асрлар давомида муштарак тарих, яқин маданий муносабатлар ва дўстлик ришталари боғлаб келади. Бу муносабатларни мустаҳкамлашда адабиёт ва санъат аҳлининг хизмати алоҳида аҳамият касб этади.

Яқинда ана шу эзгу алоқаларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган таниқли ўзбек журналисти, ёзувчи ва публицист Аҳмаджон Мелибоевнинг меҳнати юксак даражада эътироф этилди.

4



ДАЛАНИ УЙДАН СУҒОРИШ



2





ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР МАНЗИЛИ

Sinoma International Engineering цемент ва тоғ-кон саноати учун комплекс EPC лойиҳаларини амалга ошириш билан бирга, қайта тикланувчи энергия, рақамли технологиялар ва сунъий интеллект асосидаги бошқарув тизимларини ҳам ривожлантириб келмоқда. Компания дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатида мингдан зиёд лойиҳани амалга оширган. 2025 йил якунларига кўра, унинг тушуми 73,27 миллиард, соф фойдаси 4,23 миллиард, умумий активлари эса 91,65 миллиард долларни ташкил этган. Музокаралар якунида қурилиш материаллари, саноат инжиниринги ва замонавий технологиялар бўйича истиқболли лойиҳаларни биргаликда ўрганиш ҳамда уларни амалий босқичга олиб чиқиш бўйича келишувларга эришилди.

Ўзбекистоннинг Хитойдаги элчихонасида Жянсу провинциясининг Янчжоу шаҳрига қарашли SOHO Holdings Group вакиллари билан ҳам учрашув ўтказилди. 2023 йилда шаҳардаги тўртта йирик давлат корхонасини бирлаштириш асосида ташкил этилган мазкур корпорация хом ашё ва минерал ресурслар савдоси, энергетика, текстиль, логистика, инновацион ишлаб чиқариш ҳамда молиявий хизматлар каби йўналишларда фаолият олиб боради. Компаниянинг 160 дан ортиқ мамлакат билан ташқи иқтисодий алоқалари йўлга қўйилган бўлиб, 400 га яқин шўъба корхонаси ва 25 мингдан ортиқ ходими мавжуд.

Музокараларда Тошкент вилояти билан Жянсу провинцияси ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

кенгайтириш, янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, логистика ва саноат кооперациясини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Бундай ҳамкорлик вилоят ишлаб чиқарувчиларининг ташқи бозорларга чиқиши ва халқаро таъминот занжирларига интеграциялашуви учун ҳам қўшимча имкониятлар яратиши мумкин.

Агросаноат соҳасидаги музокараларда Хитойнинг сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишидаги йирик компанияларидан бири – Feihe Group билан ҳамкорлик алоҳида ўрин тутди. Учрашувда сут етиштириш ва уни чуқур қайта ишлаш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, чорвачиликка инновацион технологияларни жорий қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Feihe Group фаолиятида хом ашё базасидан тайёр маҳсулотгача бўлган яхлит ишлаб чиқариш занжири шаклланган. Компания таркибида 14 та замонавий завод, 15 та ферма хўжалиги, 150 мингдан ортиқ бош қорамол ва 67 минг гектар ихтисослаштирилган ер мавжуд. Бундай тажриба Тошкент вилояти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, замонавий чорвачиликни ривожлантириш фақат чорва бош сонини кўпайтириш билан чекланмайди. Наслчилик, озуқа базаси, сут етиштириш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва тайёр маҳсулотни бозорга чиқаришни қамраб олган яхлит тизим юқори самарадорликни таъминлайди.

Делегация Хитой чорвачилик уюшмаси вакиллари билан мулоқот чоғида соҳада замонавий технологияларни жорий этиш, мутахассислар тажрибасини ошириш ва халқаро тажриба алмашиш масалаларини ҳам муҳокама қилди. Уюшма 2003 йилдан буён Осиёдаги энг йирик, дунёда эса иккинчи ўриндаги соҳавий кўргазмалардан бирини ташкил этиб келаётгани чорвачилик тармоғидаги янги технология ва инновацияларни ўрганиш учун муҳим майдон яратиб бермоқда.

Хитойнинг хориждаги корхоналарни ривожлантириш уюшмаси — CODA билан учрашувда эса Хитой компанияларининг халқаро бозорларга чиқишини қўллаб-қувватлаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва «Бир макон, бир йўл» ташаббуси доирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Хитой томонига Тошкент вилоятининг инвестиция имкониятлари, саноат инфратузилмаси ва мавжуд ишлаб чиқариш салоҳияти ҳақида маълумот берилди.

Хитой Халқаро инвестицияларни рағбатлантириш ассоциацияси раҳбарияти ҳамда йирик компаниялар вакиллари билан бўлиб ўтган музокараларда ҳам вилоятнинг инвестициявий имкониятлари кенг намойиш этилди. Хусусан, саноат зоналарида махсус техника, изоляция маҳсулотлари ва лентали конвейерлар ишлаб чиқариш бўйича таклифлар билдирилди. Хитой компаниялари мазкур йўналишларга қизиқиш билдириб, жорий йил октябрь ойида Ўзбекистонга ташриф буюриб, лойиҳаларнинг техник ва инвестициявий имкониятларини жойида ўрганишга келишиб олинди. Шунингдек, ассоциациянинг Тошкент вилоятида ўз ваколатхонасини очиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Ташриф давомидаги учрашувлар қамрови Тошкент вилоятининг Хитой билан ҳамкорликдаги иқтисодий манфаатлари кенг ва кўп тармоқли эканини кўрсатди. Саноат инжиниринги, қурилиш материаллари, логистика, халқаро савдо, чорвачилик, сутни чуқур қайта ишлаш, махсус техника ва саноат маҳсулотларини маҳаллийлаштириш каби йўналишлар бир-бирини тўлдириб, ҳудудда юқори қўшилган қийматга эга ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун замин яратмоқда.

Тошкент вилоятининг устун жиҳатлари – қулай транспорт-логистика жойлашуви, ривожланган саноат инфратузилмаси, хом ашё базаси, меҳнат ресурслари ва йирик истеъмол бозори мавжудлиги хорижий бизнес учун жозибадор имкониятларни шакллантиради. Энди асосий вазифа ушбу имкониятларни аниқ инвестиция лойиҳаларига айлантириш, ҳар бир келишувнинг амалий ижросини таъминлаш ва инвесторлар билан узлуксиз ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат.

Зойир Мирзаев бошчилигидаги делегациянинг Хитойга ташрифи айнан шу жиҳати билан аҳамиятли. Музокараларда нафақат инвестиция жалб этиш, балки технология трансфери, маҳаллийлаштириш, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш ва янги иш ўринлари яратиш каби масалаларга ҳам устувор аҳамият берилди. Хитой компаниялари вакилларининг Ўзбекистонга келиб, лойиҳаларни бевосита жойида ўрганишга тайёрлиги эса музокараларнинг амалий мазмун касб этганидан далолат беради.

Пекинда билдирилган ташаббуслар энди Тошкент вилоятидаги ишлаб чиқариш майдонларида ўзининг амалий ифодасини топиши кутилмоқда. Янги корхоналар, замонавий технологиялар, экспорт йўналишлари ва қўшимча иш ўринлари – халқаро ҳамкорликнинг энг муҳим натижаси ҳам ана шунда намоён бўлади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

ШАҲАРСОЗЛИК РЕЖАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Шунингдек, Янгийўл ва Чирчиқ шаҳарлари, Бўка ва Чиноз туманларининг шаҳарсозлик режалари ҳамда танлаб олинадиган 20 та ҳудуд учун мастер режалар ишлаб чиқиш жараёнининг устувор йўналишлари юзасидан фикр алмашилди.

Муҳокамалар давомида ҳудудларнинг мавжуд имкониятларини тўлиқ ишга солиш, инфратузилмани

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

замонавий талаблар асосида ривожлантириш, янги инвестиция лойиҳаларини жалб этиш ва аҳоли учун қулай яшаш муҳитини яратишга қаратилган таклифлар билдирилди.

Учрашув якунида вилоятнинг кейинги 15 йилга мўлжалланган стратегик ривожланиш йўналишларини аниқ белгилаш, устувор инфратузилма ва инвестиция лойиҳаларини шакллантириш ҳамда уларни босқичма-босқич амалга ошириш бўйича ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

АНГРЕНДА ЯНГИ ЗАВОД ҚУРИЛАДИ

Бежизга Ангренни саноат шаҳри, дейишмайди. Бу заминда йиллар давомида турли тармоқларга ихтисослашган йирик корхоналар фаолият юритиб келмоқда. Бугун эса шаҳарнинг саноат салоҳияти яна бир карра ошди. “8 март” маҳалласида гипсокартон учун қоплама қоғоз ишлаб чиқариш заводи қурилиши бошланди.

▼ Лойиҳа

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда шаҳар ҳокими Алишер Райимов Ангреннинг саноат ишлаб чиқариш салоҳияти, ҳудудга хорижий инвестицияларни жалб этиш учун яратилаётган имкониятлар ва шарт-шароитлар хусусида тўхталди.

Дарҳақиқат, бугун саноатни янги босқичга олиб чиқиш фақат мавжуд корхоналар қувватини ошириш билан эмас, балки замонавий технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни йўлга қўйишга ҳам боғлиқ. Ангренда амалга оширилаётган янги лойиҳалар ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

– Мазкур завод DM Paper МЧЖ томонидан амалга оширилаётган инвестицион лойиҳа асосида барпо этилмоқда, – дейди бошқарувчи Нодирбек Худойқулов. – Корхонанинг лойиҳа қуввати кунига 250 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Таъкидланганидек, заводда гипсокартон ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган қоплама қоғоз тайёрлаш йўлга қўйилади. Бугун қурилишда гипсокартон кенг қўлланилаётгани инобатга олинса, мазкур корхонанинг ташкил этилиши соҳа занжирини янада кенгайтириш имконини беради.

Шунингдек, завод тўла қувватда ишга тушгач, саноат маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш, ички бозор талабини қондириш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этишга хизмат қилади.

Эслатиб ўтамиз, лойиҳа Shandong Ludao Energy Technology Co., Ltd. компанияси томонидан қурилади.

Тадбирда янги ишлаб чиқариш мажмуасининг лойиҳа кўриниши, унда қўлланиладиган технологиялар ҳамда ишлаб чиқариш жараёнининг технологик имкониятлари ҳақида маълумот берилди.

Нигора ЭРКИНБОЕВА

▼ Қишлоқ хўжалиги

Оҳангарон туманида қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш, аҳоли ва бозор талабидан келиб чиқиб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш мақсадида, кузги тўқсонбости экинларини экишга киришилди.

ДАЛАНИ УЙДАН СУҒОРИШ



Жорий йил куз мавсумида туманда жами 1 минг 100 гектар майдонга тўқсонбости экинлар экиш режалаштирилган. Айни пайтда фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида ер майдонларини экишга тайёрлаш, уруғликларни жойлаштириш ҳамда агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Хусусан, «Мадина Оҳанг Агро» МЧЖда тўқсонбости экинларни экиш жараёни қизғин паллага кирган. Корхонада айни пайтда 35 гектар майдонга Хитой технологияси асосида саримсоқ пиёз экилмоқда.

Эътиборли жиҳати, мазкур технологиядан фойдаланиш орқали ер майдонидан олинадиган ҳосилдорликни 2 баробар ошириш кўзда тутилган. Оддий усулда саримсоқ пиёз етиштирилганда гектаридан ўртача 12 тоннагача ҳосил олинган бўлса, Хитой технологияси асосида бу кўрсаткични 30 тоннагача етказиш имконияти мавжуд.

Корхонада экинларни парваришлаш жараёнида замонавий агротехнологиялар билан бир қаторда сув ресурсларидан тежамкор ва оқилона фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, томчилатиб суғориш тизими йўлга қўйилган. Мазкур суғориш тизими тўлиқ рақамлаштирилган. Муҳим жиҳати, майдонларда махсус Wi-Fi зоналари ташкил этилган бўлиб, "ақлли" суғориш жараёни интернет орқали масофадан бошқарилади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

ҲАР ТОМЧИСИ ҚАДРЛИ



Бўка туманидаги Фахриддин Шокиров рағбарлигидаги «Агро фермер» хўжалиги 70 гектар ерни ўз ичига олади. Шундан 30 гектарида сув тежовчи технологиялардан фойдаланилмоқда. Хўжалик кўп тармоқли. 30 гектарда пахтанинг Хитой-41 нави Шинжон усулида етиштирилди. Яна 30 гектарда ғалланинг “Гром” нави парвариш қилинди, ундан кейин иккинчи экин сифатида мош экилган. Қолган майдонларда терак кўчатлари етиштирилиб, сабзи парваришланмоқда. Хўжаликда 14 нафар ишчи меҳнат қилади. Ҳозир пахталар очилган, ҳосилнинг чўғи яхши. Бу тизим яхши йўлга қўйилганидан. Фермер сув тежовчи технологиянинг афзалликларини санар экан, биринчи навбатда сув ва ишчи кучи сарфи тежалаётганини таъкидлади.

– Дарҳақиқат, сув тежовчи технологиялар ўрнатилгандан кейин пахта ҳосили ортди, – дейди фермер Фахриддин Шокиров. – Ўйлаб кўринг: илгариги 10 минг тонна ўрнига ҳозир 2 минг тонна сув сарфланяпти. Бу фермернинг ўзи учун ҳам, сув тақчиллиги сезилаётган бугунги давр учун ҳам катта натижа. Шунингдек, сув таршадаги хатолар ҳам камайган. Хўжаликда электр энергияси харажатини камайтириш учун 100 ваттли қуёш панели ҳам ўрнатилган. Ўзимиздан ортган электр энергияси давлатга сотилмоқда.

Пискент туманидаги «Ватан» фермер хўжалиги раҳбари Рамизхон Соипов ҳам бу йил ўз хўжалигида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилди.

– Бу технологиянинг натижаси кутганимиздан ҳам яхши бўлмоқда, – дейди фермер. – Илгари сув бериш жараёнида анча қийинчиликларга дуч келардик. Айниқса, сувнинг бир текис тақсимланиши муаммо эди. Томчилатиб суғориш орқали эса сувни ўсимликнинг илдизига керакли меъёрда етказиб бериш имкониятига эга бўлдик. Энг асосийси, сув тежаляпти. Сувга ўғитларни аралаштириб бериш имконияти ҳам бор. Бу эса ўсимликнинг озиқланишини яхшилаб, ҳосилдорликни оширмоқда. Томчилатиб суғориш орқали кам харажат қилиб, юқори ҳосил олиш ва даромадни кўпайтириш имконияти яратилмоқда.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Эътиборлиси, сув тежовчи технологиялар боғдорчиликда ҳам ўзини оқламоқда. Қибрай туманидаги “Agroelita” масъулияти чекланган жамиятининг 150 гектар майдони бор. Шундан 125 гектарига гилос экилган. Қолган майдонларда олма, нок, шафтоли ва ўрик парваришланмоқда. 28 гектар майдонда суперинтенсив боғ ташкил этилган. Бу ерда сувни оддий усулда эмас, компьютерлаштирилган тизим орқали бериш йўлга қўйилган.

– Бизда сувдан фойдаланиш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган, – дейди жамиятнинг бош технологи Абдужаббор Кентаев. – Томчилатиб суғориш тизими сувни меъёрида тақсимлаб беради. Компьютерлаштирилган тизим орқали ҳаво ҳарорати, тупроқ ва намлик даражаси назорат қилинади. Қайси жойда намлик кам бўлса, ўша ерга кўпроқ, намлик етарли бўлган жойга эса камроқ сув берилади. Сув аниқ режа ва график асосида тақсимланади.

Айтиш жоизки, суперинтенсив боғнинг яна бир ўзига хос жиҳати бор. Оддий боғларда бир гектарга ўртача 800 туп кўчат жойлаштирилса, суперинтенсив технология асосида бу кўрсаткич 2 минг 800 тупгача етказилиши мумкин. Бу ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш, дегани. Албатта, кўчат кўпайгани сайин унга бўлган эътибор ҳам ортиши керак. Суви, озуқаси, намлиги, ҳавоси назоратда бўлиши зарур. Шу маънода биз қўллаётган томчилатиб суғориш ва автоматлаштирилган назорат тизимлари бир-бирини тўлдирмоқда.

Дарҳақиқат, бугун фермерга чиройли техникаларнинг ўзи қизиқ эмас. Унинг учун энг муҳими – тежамкорлик. Сув тежовчи технологиялар ана шу талабга жавоб бермоқда. Яъни, сув кам сарфланади, ишчи кучи тежалади, ўғитдан самарали фойдаланилади, электр энергияси иқтисод қилинади, ердан унумли фойдаланиш имконияти ошади. Шунинг учун давлат томонидан ҳам бундай технологияларни жорий этаётган фермер ва тадбиркорлар қўллаб-қувватланиб, имтиёзли кредитлар, субсидиялар ажратилмоқда.

Демак, сув тежовчи технологияларни эртага эмас, бугун ўрнатиш ва омилкорлик билан фойдаланиш керак. Вилоятимиз фермерларининг тажрибаси ҳам шуни кўрсатмоқда.

Нигора ЎРОЛОВА, “Тошкент ҳақиқати” мухбири

▼ Аграр соҳа

ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ҲИМОЯ

Ёхуд ўсимликларнинг фитосанитар хавфсизлигини таъминлаш

Республикамизда сўнгги йилларда аграр бошқарув тизими босқичма-босқич янгиланмоқда. 2020-2030 йилларга мўлжалланган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясида рақобатбардош аграр секторни шакллантириш, фермерлар даромадини ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу жараёнда фитосанитар хавфсизлик ҳам муҳим ўрин тутади.



Ўсимлик касалликлари нафақат биологик, балки иқтисодий муаммо ҳамдир. Касалликлар ҳосил миқдори ва сифатини пасайтиради. Шу билан бирга, қўшимча ишлов бериш, меҳнат, сақлаш ва ташиш харажатларини оширади. Айрим ҳолларда маҳсулотнинг экспортга чиқишига ҳам тўсқинлик қилади. Шунинг учун касалликларга қарши курашда сарфланган маблағни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш зарур.

2021 йилда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг ташкил этилиши фитосанитар назорат ва ўсимликларни ҳимоя қилиш ишларини тизимлаштиришда муҳим қадам бўлди. Рақамли технологияларни жорий этиш ҳам бу соҳада янги имкониятлар яратмоқда. 2026 йилда “Дала назорати” ахборот тизими орқали эрта огоҳлантиришни кучайтириш режалаштирилган. Касалликни эрта аниқлаш кўпинча кечиктирилган курашга нисбатан камроқ харажат талаб қилади.

Жаҳон тажрибаси ҳам муаммонинг кўлами катта эканини кўрсатади. Маълумотларга кўра, дунёда ўсимлик зараркунандалари ва касалликлари туфайли экинларнинг 40 фоиз қисми йўқотилиши мумкин. Йиллик иқтисодий зарар эса 220 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмининг ортиб бораётгани фитосанитар барқарорликнинг аҳамиятини янада оширмоқда. 2025 йилда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари ҳамда хизматлари ҳажми 538,9 триллион сўмни ташкил этган. Мева-сабзавот экспорти эса 2,121 миллиард АҚШ долларига етган.

Бундай шароитда ўсимликларни ҳимоя қилишга фақат биологик самара нуқтаи назаридан ёндашиш етарли эмас. Асосий савол “Қайси восита касалликни яхшироқ тўхтатади?” эмас, балки “Қайси усул энг кам харажат билан энг кўп зарарнинг олдини олади?” бўлиши керак. Бунда препарат нархи билан бирга диагностика, мониторинг, техника, меҳнат, такрорий ишлов, сақлаш ва экспорт талаблари ҳам ҳисобга олинади.

Илмий тадқиқотларнинг иқтисодий самарасини баҳолашда бир нечта кўрсаткич муҳим. Уларга ҳосил ва сифат йўқотишининг камайиши, ҳимоя харажати, олди олинган зарар, соф иқтисодий самара ва фойда-харажат нисбати киради. Соф иқтисодий самара олди олинган зарардан ҳимоя харажатини айириш орқали аниқланади. Фойда-харажат нисбати эса сарфланган маблағнинг қанчалик самарали бўлганини кўрсатади.

Масалан, 100 гектарлик боғда ҳимоя чоралари қўлланмаса, ҳосилнинг 12 фоизи йўқотилиши мумкин. Профилактик ҳимоя натижасида бу кўрсаткич 4 фоизга тушса, 160 тонна ҳосил сақлаб қолинади. Агар 1 тонна маҳсулот нархи 5 миллион сўм бўлса, сақлаб қолинган ҳосил қиймати 800 миллион сўмни ташкил этади. Ҳимоя харажати 250 миллион сўм бўлганда, соф иқтисодий самара 550 миллион сўм бўлади. Фойда-харажат нисбати 3,2 фоизни ташкил этади. Бу рақамлар шартли бўлиб, усулни тушунтириш учун келтирилган.

Айтиш жоизки, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашда мониторинг, биологик усуллар ва интеграциялашган ҳимояга эътибор кучаймоқда. Агентлик маълумотларига кўра, 2025 йилда 743 минг гектарда фитосанитар кузатув ўтказилган, 639 та биолаборатория ва 971 та ўсимлик клиникаси фаолият кўрсатган. Биологик кураш учун 7,1 миллиард олтинкўз, 8 минг 797 килограмм трихограмма ва 4,6 миллиард бракон етиштирилган.

Интеграциялашган ҳимоя усулида ортиқча ишлов беришга йўл қўйилмайди. Аввало, дала кузатилади. Касаллик ва зараркунанданинг иқтисодий зарар чегараси аниқланади. Кейин агротехник ва биологик усуллардан фойдаланилади. Зарур бўлса, мақсадли кимёвий ишлов берилади. Бундай ёндашув харажатларни камайтириш билан бирга атроф-муҳитга тушадиган босимни ҳам пасайтиради.

Аграр илм учун асосий вазифалардан бири илмий ишланмаларнинг иқтисодий самарасини аниқ кўрсатишдир. Шунинг учун ҳар бир фитопатологик тадқиқот якунида иқтисодий ҳисоб-китоб бўлиши мақсадга мувофиқ. Унда ҳимоя харажати, олди олинган зарар, соф фойда, фойда-харажат нисбати ва рентабелликдаги ўзгариш акс этиши керак.

Тажриба хўжаликларида амалдаги ҳимоя усули ва такомиллаштирилган интеграциялашган ҳимоя усулини бир хил шароитда таққослаш ҳам муҳим. Бунда нафақат ҳосил миқдори, балки маҳсулот сифати, экспорт талаблари, пестицид қолдиқлари, сертификатлаш, тупроқ ва сув ресурсларига таъсир ҳам ҳисобга олиниши лозим.



Хулоса қилиб айтганда, аграр илмнинг самараси лабораторияда олинган натижа билан эмас, балки унинг фермер хўжалигида яратилган амалий ва иқтисодий натижаси билан ҳам баҳоланиши керак. Ўсимлик касалликларига қарши курашда “Қанча маблағ сарфланди?” деган саволдан “Қанча зарарнинг олди олинди ва қанча даромад сақлаб қолинди?” деган ёндашувга ўтиш зарур.

Зеро, агроилм, рақамли мониторинг, фитосанитар хизмат ва иқтисодий таҳлил ягона тизимда ишласа, ўсимликларни ҳимоя қилишга сарфланган маблағ оддий харажат эмас, балки ҳосил, фермер даромади, озиқ-овқат хавфсизлиги ва экспорт салоҳиятини ҳимоя қилувчи инвестицияга айланади.

Абдулазиз ТОЖИЕВ,
ТДАУ “Агроиқтисодиёт” кафедраси таянч докторанти

▼ Шахсий фикр

Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодий тараққиёт, ободлик ва фаровонлик сари улкан қадамлар ташлади. Бу, албатта, ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунинг ортида халқимизнинг меҳнати, изланиши ва фидойилиги мужассам. Замонавий йўллар, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасининг ўзгариши, янги технологияларнинг ҳаётимизга кириб келиши, ёшларимизнинг дунё минбарларидаги зафарлари – буларнинг барчаси мустақиллик берган беқиёс имкониятлар самарасидир.

ЭНГ КАТТА НАЗОРАТЧИ...

Аммо ана шундай тўкин ва осойишта ҳаётда «тўқликка шўхлик» қилиб, оддий инсоний меъёрлардан чекинаётган айрим ҳолатларга дуч келганимизда, беихтиёр таассуф билан бош чайқаймиз. Афсуски, бугун ижтимоий тармоқларга чиқарилаётган айрим воқеалар, кўча-кўйдаги можароларни кузатар эканмиз, инсонлар ўртасидаги сабр-тоқат, муомала маданияти ва бағрикенглик ҳақида жиддийроқ ўйлаб қоламиз. Моддий имкониятларимиз кенгайгани сари айримларнинг сабр косаси торайиб, бир-бирига ҳурмат ва меҳр-оқибат сусаяётгандек...



Яқинда ижтимоий тармоқларда такси ҳайдовчиси ва блогер ўртасида юзага келган можаро катта шов-шувларга сабаб бўлди. Энг ачинарлиси, воқеа атрофида жамоатчилик фикри бир зумда икки томонга ажралиб, кескин муносабатлар авж олди. Ҳолбуки, муаммони ақл, қонун ва одоб доирасида ҳал қилиш мумкин эди. Аммо жаҳл ва ғазабга берилиш, бир-бирини айблаш ва ҳақорат қилишдан икки томон ҳам тийилмади. Жаҳлдан тушганларида эса кеч бўлган эди.

Таассуфки, кўчада бир-бирига чиройли, одоб билан муомала қилишга ҳамма ҳам амал қилмаяпти. Тасаввур қилайлик: пиёдалар йўлакчасидан кетаётган йигитга бурилаётган ҳайдовчи сигнал чалади. Чўчиб кетган йигит эътироз билдирса, ҳайдовчи важоҳат билан унга ташланади. Оддий эътирозга мушт билан жавоб бериш қайси мантиққа тўғри келади? Агар бундай ҳолат ўзимиз, фарзандимиз, яқинимиз ёки дўстимиз билан содир бўлса-чи?

Манманлик, беписандлик ва ўзини бошқалардан устун қўйиш – кучлилик белгиси эмас. Аксинча, инсоннинг ўзини бошқара олмаётганидан дарак. “Жаҳл келса, ақл кетади”, дейди халқимиз.

Мана бу ҳолат кўз ўнгимда содир бўлди. Савдо мажмуаси автотураргоҳида икки ҳайдовчи машина қўйиш учун жой талашиб, ёқалашиб кетишди. Улардан бири иккинчисига: «Мени кимлигимни биласанми?!» дея бақириб, юзига қаттиқ зарба берди. Зарба таъсирида йиқилган иккинчи ҳайдовчининг боши бетон чеккасига урилиб, ҳушидан кетди.

Албатта, зўравон қонун олдида жавоб беради. Шу каби бир лаҳзалик ғазаб қандай оқибатларга сабаб бўлиши мумкинлигини ҳаммамиз яхши биламиз, аммо...

Шукр, биз қонун устувор бўлган жамиятда яшаяпмиз. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар безорилик, зўравонлик ва ўзбошимчаликнинг олдини олиш, қонунбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўришмоқда. Аммо ҳар бир фуқаронинг ортидан биттадан назоратчи қўйиб бўлмайди. Инсонни доимо кузатиб турадиган энг катта назоратчи – унинг виждони, эътиқоди ва тарбиясидир.

Зеро, эркинлик, аввало, ўз ҳуқуқинг билан бирга ўзганинг ҳуқуқини ҳам ҳурмат қилиш масъулиятидир. Шунинг учун ҳам фарзандларимизга нафақат муваффақият қозонишни, бойлик орттиришни ёки ўз мақсади сари интилишни, балки инсон бўлиб яшашни ҳам ўргатишимиз керак. Кўчада пиёдага йўл бериш, кексаларни ҳурмат қилиш, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмаслик, ижтимоий тармоқларда ҳар бир сўзни ўйлаб ёзиш, арзимаган сабаб билан мушт кўтармаслик – булар оддий, аммо жамият ҳаёти учун ниҳоятда муҳим қоидалардир.

Зикрилла МУҲАММАД,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири

▼ Тил сандиғи

“Шимол” ва “Шамол” сўзлари бир-бирига алоқадорми?

Тилимизга араб тилидан кирган жаноб ва жануб сўзлари битта сўздан пайдо бўлган экан. Бу жуда ажойиб! Жаноб сўзи мартабали одамга нисбатан ишлатилади, жануб эса шимолнинг акс томони, Ер шарининг пастга йўналган тарафи маъноларини билдиради.

Ўзбек тилининг этимологик луғатида изоҳланишича, жаноб ва жануб сўзларига араб тилидаги четга суриб қўйди мазмунини англатган жанаба феъли асос бўлган.

Кўряпсизми, сўзнинг туб маъносини билиш одамни ўйлашга, тафаккур қилишга ундайди. Хўш, нега шимолнинг қарама-қарши томонини жануб деб аташган? Нега мартабали одамни жаноб дейишган? Нега бу икки сўзга четга суриб қўйиш деган маъно асос бўляпти? У ҳолда жанубнинг акси шимол қандай маънога эга? Шимол ва шамол сўзлари бир-бирига алоқадорми? Бундай саволлар изма-из келаверади. Саволлар эса жавобдан ҳам олдин фикрни чақиради.

Гап келганда, шимол ва шамол сўзларига тўхталиб ўтсам. Қарангки, худди жаноб ва жануб сўзларига ўхшаб, шимол ва шамол ҳам битта илдиздан ўсиб чиққан сўзлар экан.

Шимол ва шамол сўзлари араб тилида ўради, ўралди маъносини билдирган шамала феълидан пайдо бўлган.

Шимол ва шамол сўзларининг туб илдизи бир хиллигини билмасимдан олдин ҳам менга негадир шимол шамоллар ватани бўлиб туюлган.

Эшқобил ШУКУР

▼ Чоршанба сабоқлари

ПАРБИЯ ПОЙДЕВОРИ

Болангиз сизга гапирганда телефонни четга қўйиб, диққат билан тингланг. Унинг фикри сиз учун муҳимлигини ҳис қилсин. «Нега бундай қилдинг?» деб уришишдан кўра, «Бу ишингнинг оқибати қандай бўлиши мумкин?» деб тушунтириш самаралироқ.

Яхши ишини мақтанг. Фақат натижани эмас, ҳаракатини ҳам қадрланг: «Жуда ҳаракат қилибсан», «Меҳнатинг менга ёқди».

Болани бошқалар билан солиштирманг. «Фалончининг боласи сендан яхши» каби гаплар боланинг ўзини қадрлашини пасайтириши мумкин.

Уйда бир нечта муҳим қоида бўлсин ва уларга ота-она ҳам амал қилсин. Болалар кўпроқ кўрганини ўрганади.

Хатосидан ўрганишига имконият беринг. Ҳар бир хатосини тўғрилаб қўйиш ўрнига, баъзи ҳолларда унинг оқибатини тушунишига имкон беринг.

Меҳрни сўз билан ҳам билдиринг. «Сени яхши кўраман», «Сен мен учун қадрлисан», «Мен сенга ишонаман», деган сўзлар самимий суҳбат орқали ишончни қозонинг. Шунда у муаммосини сиздан яширмайди.

Ўзингиз намуна бўлинг. Боладан одоб, сабр, ҳалоллик талаб қилсангиз, аввало шу хислатларни ўзингиз кўрсатинг. Энг муҳим қоида: фарзандингиз «Мен хато қилсам ҳам, онам, отам мени ташлаб қўйишмайди, албатта ёрдам беришади», деган ишончга эга бўлсин. Зеро, ишонч – тарбиянинг пойдеворидир.



Фарзандингизга сақич берманг!


Ҳозирги замонавий сақичлар ўзида жуда кўп миқдорда шакар ёки шакар ўрнини босувчи кимёвий моддаларни сақлайди. Улардан бири ксилитол сийдик пуфаги саратонига сабаб бўлиши мумкин.

Сақич турли хил бўёқлар билан бўялади. Бу эса болада аллергия ёки диареяга сабаб бўлади.

Сақични оч қоринга чайнаш ошқозонда яра пайдо бўлишига имкон яратади.

Кўп сақич чайнаш болада хотира пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

Сақич таъмини яхшилаш учун қўшиладиган глутамат моддаси асаб ҳужайраларини нобуд қилиши мумкин.



ИККИ ХАЛҚНИ БОҒЛАГАН ҚАЛАМ

Қирғиз Республикаси пойтахти Бишкек шаҳридаги «Ынтымак Ордо» давлат мажмуасида давлат мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров иштирок этди.

Маросимда Аҳмаджон Мелибоевга Қирғиз Республикасининг «Достук» ордени топширилди. Ушбу мукофот унинг икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш ва халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)


қўшган ҳиссаси эътирофи сифатида берилди.

Аҳмаджон Мелибоев 1946 йил 23 март куни таваллуд топган. Унинг ҳаёт ва ижод йўли ўзбек ва қирғиз халқлари тарихи, маданияти ва адабиёти билан чамбарчас боғлиқ.

Устоз журналист кўп йиллар давомида журналист ва публицист сифатида самарали фаолият юритиб, жамият ҳаётининг муҳим масалаларини қаламга олди. Унинг мақолаларида инсон, маънавият, адабиёт ва жамият тараққиёти билан боғлиқ долзарб мавзулар кенг, таҳлилий асосда ёритилади.

Аҳмаджон Мелибоев «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири сифатида ҳам салмоқли ишларни амалга ошириб келмоқда. Журнал саҳифаларида жаҳон адабиётининг сара намуналари билан бир қаторда қардош қирғиз адабиёти вакилларининг асарлари ҳам ўзбек китобхонларига тақдим этилмоқда.

Унинг ижодий фаолиятида буюк қирғиз адиби Чингиз Айтматов меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш ҳам муҳим ўрин тутади. Аҳмаджон Мелибоев Чингиз Айтматов номидаги Халқаро илмий академия аъзоси сифатида адибнинг бой ижодий меросини Ўзбекистонда ўрганиш ва оммалаштириш ишларида иштирок этиб келмоқда.



Аҳмаджон Мелибоевнинг асарлари, мақолалари ва чиқишларида икки қардош халқнинг адабиёти, маданияти ва маънавий яқинлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Унинг бу борадаги кўп йиллик фаолияти ўзбек ва қирғиз ижодкорлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда.

Устоз журналистнинг «Достук» ордени билан тақдирланиши Аҳмаджон Мелибоевнинг кўп йиллик самарали ижодий фаолияти, шунингдек, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришга қўшган ҳиссасига берилган муносиб баҳо бўлди.

Ушбу юксак мукофот икки қардош халқ ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётган ижодкорларга билдирилган эҳтиромнинг ҳам ифодасидир.

ЎзА

Санъатда юлдуз бўлиш кимга ёқмайди дейсиз. Аммо чинакам юлдуз бўлишу юлдузлик касалига чалиниш бошқа-бошқа нарса шекилли-да?! Комилжон Отаниёзов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Мукаррамахоним Турғунбоевваларни ҳаётлик чоғларида ҳеч ким «Санъатимизнинг буюк юлдузлари», демаган. Бунга эҳтиёж ҳам бўлмаган. Чунки улар ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам жуда оддий бўлишган, юлдузлик касалига чалинишмаган. Одамлар орасида эл қатори умргузаронлик қилишган. Юриш-туришда, кийинишда, муомала маданиятида зарра ча бўлсин алоҳидаликка, кибру ҳавога берилганларини эслай олмаймиз.

“КЛИП”НИНГ НЕЛИГИНИ билмай ўтган ҳофизлар



Улуғ санъаткорлар каттаю кичикка, бойваччаю ўртаҳолга тенг муносабатлари, ўзлари каби оддий одамларга кўпроқ эътибор беришлари билан ҳам ном қозонишган. Эл хизматида бўлганларида, номуносиб хатти-ҳаракатлар қилишмаган, иззатталаб бўлишмаган. Айтилган жойга вақтида ўзлари, тан қўриқчиларсиз «Ассалому алайкум», деб кириб бораверишган, тўй эгаларини, қариндошларни ўртага тўплаб, пул йиғишмаган. Кўзлари тўқ бўлган. Пул деган сабил қолгур кимга ёқмайди дейсиз, аммо улар бу аждаҳонинг маккор жозибасига учишмаган.

Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султоновлар пайтида саҳнада ҳеч ким сохтакорлик қилмаган. Овози, истеъдоди бор одам ўртага чиққан, тумонат тингловчини сел қилиб қўшиқ куйлаган. Овози йўқ, умрида қўлига чолғу асбоби ушламаган одамлар эса бошқа ишлар билан шуғулланишган. Яъниким, ошпаз ошпазлигини, новвой новвойлигини, косиб косиблигини қилган. Ҳофизлар эса уларга қўшиқ куйлашган.

Ўша пайтлари ҳам боғларимизда анвойи гуллар барқ уриб очилиб турган, керак бўлса, қучоқ-қучоқ олиб келиш мумкин эди. Аммо концерт залларида бугунгидай сохта гулбозлик урф бўлмаган. Қариндош-уруғ, тоға-жиянлар, эндигина йўлга кирган набира-жужуқчалар саҳнага гуррас-гуррас чиқиб, ашула айтиб турган ҳофизнинг бўйнига гулчамбар илишмаган, чўлпиллатиб ўпишмаган, эгнига ким ўзарга зар чопон ёпишмаган. Устоз санъаткорлар саҳнада бундай бемазагарчилик қилиш томошабинга нисбатан ҳурматсизлик, ғирт шармандалик бўлади, деган хаёлга боришган бўлса керак.

Бу ҳам майли, аввалари ҳофиз деганингиз саҳнадан бемалол пастга тушиб, олдинги қаторда савлат тўкиб ўтирган хешу ақраболарига, қуда-андаларига, маҳалла чойхонасидаги улфатларига эгилиб-букилиб салом бермаган, волидаи муҳтарамасининг ёнига келиб, худдики онаси билан тасодифан шу жойда учрашиб қолгандай, бир-бирларини бағриларига босишмаган. Она ҳам ўғли санъаткор бўлганини, унча-мунча хиргойи қилиб туришини худдики бугун, шу ерда тасодифан билиб қолгандай, болаизорини ялаб-юлқамаган. У пайтларнинг оналари анча вазмин бўлишган шекилли-да.

Аввалари қўшиқ куйланаётганида биров овоз чиқармаган, саҳнада турган ҳофиз боланинг олдига кўтарилиб, белидан маҳкам ушлаб суратга тушмаган. Қулоғига бир нималарни шивирламаган. Томошабинларнинг қий-чувидан илҳомланиб санъаткор бирорини даст кўтариб, бир-икки айлантириб қўймаган. Негалигини тахмин қилиш мумкин. Улар, назаримда, концерт билан цирқдаги масхарабозликнинг фарқига боришган. Завқлари келиб кетса «Дўст!» деворишгану шу билан ҳовурлари босилган.

У пайтлари ҳофизлар саҳнада қўшиқ куйлашган. Оғизларини шунчаки қимирлатиб туришмаган. Одоб-ахлоқ ҳақида маъруза ўқишмаган. Гинахонлик қилишмаган. Ашула қолиб кетиб, ҳамкасб дўстларининг боғига тош, кесак отишмаган.

Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султоновлар пайтида саҳнада ҳеч ким сохтакорлик қилмаган. Овози, истеъдоди бор одам ўртага чиққан, тумонат тингловчини сел қилиб қўшиқ куйлаган. Овози йўқ, умрида қўлига чолғу асбоби ушламаган одамлар эса бошқа ишлар билан шуғулланишган. Яъниким, ошпаз ошпазлигини, новвой новвойлигини, косиб косиблигини қилган. Ҳофизлар эса уларга қўшиқ куйлашган.

Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султоновлар, эҳ эсиз, «клип» нималигини билмай ўтиб кетишди-я...

Комилжон ҳофиз, Маъмуржон ҳофизлар пайтида телевидение, радио бу қадар ривожланмаган эди. FM каналлари ва улардаги сўзбозлик бировнинг хаёлига ҳам келмаганди. Битта қўшиқ бугунгидек бир кунда йигирма-ўттиз марта эмас, ҳафта-ўн кунда бир марта эфирга қўйилган ва соғинч билан тингланган.

У пайтлари хусусий радиоканаллар қаёқда дейсиз. Шу камчилик туфайли Маъмуржону Жўрахон акалар ўзлари ташаббус кўрсатиб, унча-мунча харажатини кўтариб бўлса-да, радио орқали жонли мулоқотлар ўтказишмаган. Шундай бўлгандан кейин, аввалдан тайинлаб қўйилган «мухлислар», аниқроғи, ҳофизболанинг жияну жиянчалари, таниш-билишлари радиога қўнғироқ қилиб, илтимос қилинган саволларни ҳижжалаб ўқиб беришмаган, «Нега экранда кўринмай қолдингиз, нега сизга эътибор кам, фалон концертда нега қатнашмадингиз, нега шу чоққача унвон олмагансиз, нега сизни улуғлашмаяпти, қадрингизга етишмаяпти...», деб масалани кўндаланг қўйишмаган. Негаки, бундай қилиш ўша йиллари уят ҳисобланган.

У йиллари телевидение ҳофизларнинг ҳашамдор уй-жойини, ошхонаю ётоқхонасини, кийим-кечагини, ваннадан чиққанида елкасига енгилгина ташлаб оладиган халатини, диванда мудраб ётган мушукчаю кучукчасини, мойи артилмаган қўша-қўша машиналарини, дала ҳовлисини, экин-тикинини, хориждан келтирилган рўзғор буюмларини такрор-такрор намойиш қилмаган, бошловчилар «Мана бу қандилни қаердан сотиб олгансиз, ҳув анави чинни кўзани сизга ким совға қилган, мана бу кўйлак, оҳ, оҳ, қани энди менда ҳам бўлса...» деб “бечора”ларни сўроққа тутишмаган. Устоз ҳофизлар, агарки шундоқ қилсак, эл устимиздан кулворади, нима деган одам бўламиз, деб бундай шармандаликка асло йўл беришмаган.

У пайтлари санъаткорлар телевидениеда ошпазлик қилишмаган. Тор билан чўмичнинг фарқига боришган. Шу боис ҳофизлар ҳофизлигини, актёрлар актёрлигини, воизлар воизлигини қилиб, маҳоратию истеъдодига яраша олқиш олиб юришаверган.

Ўйланиб қоласан киши, тасаввур қилингки, ўшанда битта қитмир Маъмуржон ака Жўрахон акани бир четга тортиб, «Ака, лотерея ўйини ташкил қилганмиз, шунга ўзингиз бош бўлмасангиз сира иложи йўқ. Сиздан лозими – кунига нари борса йигирма-ўттиз марта катта ашула оҳангида «Отингни сот, халойиқ, молингни сот, халойиқ, аъло ўйинлар келди, ютуғи сенга лойиқ, во-ей», деб турсангиз бас» деса, бу соддаси тушмагурлар нима дейишарди экан-а? Тахмин қилиш мумкин, ҳойнаҳой «Нималар деяпсан, ҳой тирранча, мени ким деб ўйлаяпсан, эс-ҳушим жойида, миям айниб қолгани йўқ, энди бир қилмаганим бола-чақа, маҳалла-кўй олдида шармандам чиқиб, кулги бўлишми, бор, тошингни тер!», деб ҳафсаласини пир қилишармиди...

У пайтлари ҳам эл-юртда тўй-томошалар бўлган, ҳофизу ҳофизалар хизматда бўлишган. Аммо қўшиқчилар навбат талашиб мухлислар кўз ўнгида қирпичоқ бўлишмаган, «Мен турганда сенга ким қўйибди, ...жиқ, ...лос», деб таэквондога тушишмаган. Аксинча, бир-бирларига йўл беришган.

Бу гаплар нечоғли аччиқ бўлмасин, ҳаётда бор ва кўз ўнгимизда ҳар куни, кунора содир бўлиб турган воқеалардир. Табаррук санъатимиз, муқаддас саҳнамиз ҳаққи, улар тўғрисида ҳам гапириб туришимизга тўғри келади. Зеро, санъат – гулдек нозик нарса, уни ҳар жиҳатдан эҳтиётламоқ, асраб-авайламоқ зарур.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Muassis: TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV (*tahrir hay’ati raisi*),
Abdusamad NOSIROV, G‘afurjon MUHAMEDOV, Sayyora FAYZIYEVA, Abduvosit ABDURAZZOQOV, Mahmud TOIR, Azamat MIRZAYEV, Uskenboy ATEMOV, Abdulla XURSANOV, Otabek SULTONBEKOV, G‘ayrat SHERALIYEV, Kumush EGAMBERDIYEVA, Olimjon BEGALIYEV, Sergey MUTIN

Bosh muharrir: **To‘xtamurod HASANBOYEV**

Navbatchi: **Mehriddin IBRAGIMOV**

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Qabulxona: (55) 520-64-95. **Bosh muharrir o‘rinbosari:** (55) 520-04-10.
Mas’ul kotib: (55) 520-05-10. **Bo‘lim muharrirlari:** (55) 520-06-20, (55) 520-04-20.
E’lonlar va hisob-kitob bo‘limi: (55) 520-21-20.
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo‘jayev tomonidan sahifalandi. Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

Manzil: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo‘li ko‘chasi, 90. Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko‘chasi, 2. **ISSN 2010-9318.**

Bosishga topshirish vaqti – 20:00. Bosishga topshirildi – 18:00. Nashr ko‘rsatkichi – 205.
6 882 nusxada chop etildi. Hajmi – 3 taboq. Buyurtma G-935.
Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A–2. Bahosi kelishilgan narxda.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi. Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6